## ИТАЛИЯДАГИ «ЖОРНО» ГАЗЕТАСИНИНГ ДИРЕКТОРИ И. ПЬЕТРНИНГ САВОЛЛАРИГА

# Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ЖАВОБЛАРИ

(Боши биринчи бетда)

Бироқ, Сиз ўз саволингизни шундай бир тарзда бердингизки, бундан коммунистларнинг халқаро бирлиги мустаҳкамланаётганлиги империалистик доираларни ҳаммадан кўпроқ ташвишга солаётганлиги кўриниб турибди, империалистик доиралар халқаро коммунистик ҳаракатдан бирор рахна топиб, шу рахнага пона уриш пайтини кутиб ётибдилар.

Бир йўла шуни айтишим керакки, улар бунга муваффақ бўлолмайдилар. Биз неча марталаб айтганмиз ва яна айтамизки, агар империалистлар социалистик мамлакатларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига ҳамла қилишга журъат этсалар, бу ҳамлага Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва янги турмуш қураётган барча халқларнинг бирлашган қудрати тегишли жавоб беради.

Биз, коммунистлар ўзимизнинг ички ишларимизни муҳокама қилишдан бош тортмаймиз. Бундай муҳокама қилиш натижасида халқаро ишчи ва коммунистик ҳаракатнинг, бизнинг асримизда тарихий ривожланишнинг боришини белгилаб берувчи қудратли кучга айланган социализм лагерининг бирлиги ҳамиша мустаҳкамланиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлади.

**Савол.** Урушдан кейинги даврда Сталиннинг сиёсати Ғарбдаги сўл партиялар орасида ажралишларга, тангликларга ва чекинишларга сабаб бўлди дейишади. Сиз бу проблемаларга ва шу оқибатларга қандай баҳо берасиз? Сиз Москва билан Пекин ўртасида бўлаётган ҳозирги мунозара учинчи дунёдаги ва Ғарб дунёсидаги коммунистик партиялар ичида айниқса жиддий оқибатларга олиб келади деб ҳисобламайсизми?

**Жавоб.** Сиз мени бошқа коммунистик ва ишчи партияларнинг ички ишлари тўғрисида гапиртирмоқчи бўляпсиз шекилли. Лекин ўзингиз биласизки, бу ишлар уларнинг ички ишидир.

Шу нарса ҳеч кимга сир эмаски, Сталиннинг фаолиятида биз икки жиҳат борлигини кўрамиз ва биз шу жиҳатлардан бирини яъни «Сталин шахсига сиғиниш» деб ном олган жиҳатини кескин танқид қилмоқдамиз. Социалистик тузум табиатига бутунлай ёт бўлган бу ҳодисанинг оқибатларини биз СССРда тугатиб бўлдик. Маълумки, Сталин шахсига сиғиниш тўғрисидаги масала партияларнинг съездларида, уларнинг ҳужжатларида муҳокама қилинди ва лозим даражада ёритилди. Мен ҳозир бу масалаларга қайтишнинг хожати йўқ деб ҳисоблайман.

Сиз берган саволнинг иккинчи қисмига келганда шуни айтиш мумкинки, собиқ мустамлака ва эски капиталистик мамлакатлардаги қардош партияларнинг ҳамкорлиги сусайиб бораётгани йўқ, балки кучайиб бормоқда ва улар социалистик мамлакатларнинг партиялари билан бирга ҳамма халқларга Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодат учун курашда прогрессив инсониятнинг қудратли авангарди бўлиб турибдилар. Кимки буни кўрмаётган ва тушунмаётган бўлса, у замоннинг боришидан жуда орқада қолмоқда, хомхаёл кетидан қувиб, беҳуда куч сарфламоқда.

**Савол.** Коммунистик дунё мамлакатларининг қишлоқ хўжалигида узоқ давом қилган кризисни Сиз қандай изоҳлайсиз? Бу кризис нуқул техникавий проблема эмасми? Қишлоқ хўжалик ҳаёти кутилмаган ҳодисаларга жуда кўп учрайди ҳамда марказлашган демократиянинг сиёсий иқлимидан шикастланмаслиги учун ташаббускорлик руҳининг ва масъулият ҳиссининг бўлишига жуда муҳтож деб даъво қилаётганларнинг фикри тўғрисида Сиз нима дейсиз?

**Жавоб.** Тушунолмадим, қишлоқ хўжалигидаги қандай кризис тўғрисида гапиряпсиз? Агар Совет Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги тўғрисида гап бораётган бўлса, у ҳолда Сиз ҳақиқий аҳвол билан етарли таниш эмасга ўхшайсиз.

Баъзи рақамларни айтиб бераман. Ўтган йил иқлим шароити ноқулай келганига қарамай, 9 миллиард пуд дон олинди. Бу эса бизнинг мамлакатимизда шу дамгача олинган энг катта ҳосилдир. Шуни айтиш керакки, ҳосил йилдан-йилга ўсмоқда. Масалан, 1959 йилда 7,7 миллиард пуд дон олинган эди. 1961 йилда эса 8,4 миллиард пуд дон олинди. Чорва моллари сони ҳам кўпайиб бормоқда. 1962 йилда мамлакатдаги қорамоллар сони 86,9 миллион бошга етди, бу эса 1961 йилга нисбатан 106 процентни ташкил қилади. Шунингдек, чўчқалар сони ҳам кўпайди ва 1962 йилда 69,9 миллион бошга етди.

Совет Иттифоқида 1962 йилда 9,4 миллион тонна, яъни 1961 йилдагига қараганда 8 процент кўп гўшт етиштирилди; 64,0 миллион тонна, ёки 1961 йилдагидан 2 процент кўп сут етиштирилди.

Бундан бир йил муқаддам биз қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриб олдик. Аммо, қишлоқ хўжалиги қандайдир кризисга учрагани учун шундай қилганимиз йўқ. Гап шундаки, ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш миқёси кенгайиб кетди, қишлоқ хўжалиги олдига қўйилаётган талаблар тубдан ўзгарди. Қишлоқ хўжалигига раҳбарликнинг яхши формасини топдик деб ўйлайман. Бу қайта қуриш эса ишлаб чиқаришни тағин ҳам яхшироқ ташкил этишимизга ҳамда колхозлар ва совхозларнинг бой имкониятларидан яхшироқ фойдаланишимизга ёрдам беради. Чет эллардаги рақибларимиз ўз мамлакатларидаги хусусий хўжаликларни бизнинг коллектив қишлоқ хўжалигимизга қарама-қарши қилиб қўйишга уринмоқдалар. Лекин бу кишилар шуни унутиб қўймоқдаларки, бир вақтлар Россияда хусусий хўжаликлар ҳам, хусусий ташаббускорлик ҳам бўлган эди. Бутун-бутун қишлоқларнинг аҳолиси бир бурда нон қидириб, ёт ўлкаларга кўчиб кетишга мажбур бўлганлигини, ўша вақтдаги Россияда ҳосил унмай қолиши сингари ҳодисалар тез-тез бўлиб турганлигини, бунинг натижасида бутун-бутун губерняларда очарчилик рўй берганлигини ҳозир ҳам бизда баъзи кишилар унутганлари йўқ.

Лекин буларнинг ҳаммаси ўтмишда бўлган, эндиликда бундай ҳол асло рўй бермайди. Бизнинг олға боришимиздан ҳаммадан кўра кўпроқ қўрқаётган рақибларимиз, сизлар қишлоқ хўжалигида қийинчиликни енга олмайсиз деб даъво қилган эдилар. Лекин, турмуш башорат қилмоқчи бўлган бундай кишиларни шарманда-ю, шармисор қилди. Совет қишлоқ хўжалиги ўз маҳсулотини йилдан-йилга кўпайтирмоқда ва тез фурсатда у шаҳарлардаги ҳамда фабрика, завод посёлкаларидаги аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини мўл-кўл қондирадиган бўлиб қолади. Чунки, бизнинг мамлакатимизда саноат шахдам қадамлар билан ривожланмоқда, шаҳар халқи ўсиб бормоқда. Ҳозир шаҳар аҳолиси 115,1 миллион кишига, қишлоқ аҳолиси эса 108 миллион кишига етди. Урушдан олдин шаҳар аҳолиси 60,4 миллион ва қишлоқ аҳолиси 130,3 миллион киши эди.

Агар хусусий ташаббускорлик ҳамма кулфатлардан қутқаради деб ҳисобланадиган бўлса, нима сабабдан бу хусусий ташаббускорлик капиталистик мамлакатларда натижа бермаётир, чунки капиталистик мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ўқтин-ўқтин жуда қаттиқ кризисга учрамоқда, кам ер деҳқонлар тобора кўпроқ камбағаллашмоқда ва қишлоқларни ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда. Мисол учун Италияни олиб кўрайлик. Италия матбуотининг ўзи, ҳар кун қишлоқ хўжалигидан хонавайрон бўлган 600 дан кўпроқ деҳқон кетиб қолмоқда, қишлоқда қолган деҳқонларнинг турмуши ҳам тузук эмас, деб ёзмоқда. Италия матбуотининг ўзи шу деҳқонлар қарзга ботиб қолганлигини хабар қилаётир-ку. 1962 йилда итальян деҳқонларининг банкларга ва бошқа кредит берувчи ташкилотларга бўлган қарзи 700 миллиард лирага етди.

Биз қишлоқ хўжалигига пул сарфлаётган эканмиз, ёки баъзи бир хил маҳсулотларнинг харид нархини ошираётган эканмиз, бунинг натижасида ишлаб чиқариш янада ўсишини, халқимиз кўпроқ гўшт, сут, тухум олишини биламиз.

Америка қишлоқ хўжалиги ҳозирча жаҳонда энг ривожланган қишлоқ хўжалигидан бири ҳисобланади. Хўш, Америка қишлоқ хўжалигида аҳвол қандай? Маълумки, Америкада ўтказилган рўйхатларнинг маълумотларига қараганда, 1935—1954 йиллар ўртасидаги даврда АҚШда 2030 минг ферма камайиб кетди. 1954 йилдан 1959 йилгача бўлган кейинги беш йил ичида эса яна 1078 минг ферма камайди ёки 23 проценти камайиб кетди. Ўн минглаб камбағал фермерлар хонавайрон бўлмоқда, уларнинг фермалари ким ошди қилиб сотилмоқда, фермерлар эса шаҳарга кўчиб кетишга мажбур бўлиб, бусиз ҳам жуда кўпайиб кетган ишсизлар сафини тўлдирмоқдалар.

Кўриб турибсизки, агар қишлоқ хўжалигидаги кризис тўғрисида гапириладиган бўлса, бундай кризис бизда асло йўқ. Бизнинг қишлоқ хўжалигимиз юксалиб бормоқда ва совет кишиларига тобора кўпроқ миқдорда маҳсулот бермоқда.

Бизнинг қишлоқ хўжалигимизнинг ўзига хос проблемалари ва маълум қийинчиликлари бор, албатта. Лекин булар ўсиш ва олға ривожланиш проблемаларидир. Тез ўсиб бораётган, кун сайин кучга тўлаётган бир ўспиринни тасаввур қилинг. Бу ўспирин ўзининг ота ва онасига кам ташвиш туғдиради дейсизми? Гоҳ унинг шими тор келиб қолади, гоҳ пиджагининг чоклари сўкилиб кетади, гоҳ яна бирор ҳодиса рўй беради. Лекин бу нарса шу ўспирин соғлом эмаслигини кўрсатмайди-ку, аксинча, бу нарса унинг жуссаси ўсиб, бақувват йигит бўлиб қолаётганлигини ва шунинг учун ҳам у кўпроқ озиқ-овқат маҳсулоти талаб қилаётганлигини кўрсатади.

**Савол.** Ларзалар туғдирадиган номаълум ҳолатларга йўл қўймаслик учун Европанинг мавқеи, чегараси ва мувозанати ҳозирги ҳолатида қолдирилиши лозим дейишади. Сиз Польша Варшава пактидан чиқиб, бетарафлик позициясига ўтса, Италия эса у ҳам НАТО доирасидан чиқиб, бетарафлик позициясига ўтса, бу ҳол тинчлик мақсадлари учун мансуб иш бўлур эди деб ҳисобламайсизми?

**Жавоб.** Саволингизнинг биринчи қисми унчалик равшан таърифланмаган. Агар мен Сизни тўғри тушунган бўлсам, бунда гап Европадаги мавжуд чегараларни ўзгартириш «ларзалар туғдирувчи номаълум холатларга» олиб келади деган масала устида бораётир. Агар агрессор Европа харитасини ўзгартиришга уринадиган бўлса, бунинг оқибати нима бўлишини фаҳмлаб олиш қийин эмас, албатта. Европадаги мавжуд чегараларни қайта кўриш планларини кимлар тузаётганлиги ҳам маълум. Булар — Ғарбий Германиядаги милитаристик доиралардир, улар реваншизмни ўзлари учун давлат сиёсати қилиб олдилар.

Шу сабабли Ғарбий Германияда ўзига уя қуриб олган реванш кучларини жиловлаб қўйиш Европадаги вазиятни соғломлаштирмоқ учун кечиктирилмай кўриладиган энг муҳим чора бўлиши лозим. Бу мақсадга эса иккинчи жаҳон урушининг Европадаги қолдиқларини тугатмасдан, Германия сулҳ шартномаси тузмасдан, шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштирмасдан эришиб бўлмайди.

Маълумки, Ғарб мамлакатлари 1949 йилда НАТО ҳарбий агрессив гуруҳини туздилар. Совет Иттифоқи ва Европадаги бошқа социалистик давлатлар Ғарб давлатларининг агрессив тадбирларига жавобан 1955 йилда ўзларининг Варшава Шартномаси мудофаа ташкилотини туздилар. Бироқ, Ғарб давлатларидан бизнинг бир фарқимиз шуки, биз жаҳонни ҳарбий блокларга бўлишга ҳеч қачон тарафдор бўлган эмасмиз ва ҳозир ҳам тарафдор эмасмиз. Варшава Шартномасининг қатнашчиси бўлган давлатлар агар НАТО давлатлари ўз блокларини тарқатиб юборсалар, биз ҳам Варшава Шартномаси ташкилотини тарқатиб юборишга тайёрмиз деб кўп марталаб айтдилар.

Бироқ, ҳамма нарса шуни кўрсатиб турибдики, НАТО раҳбарлари бундай қилишга тайёр эмаслар. Шу сабабли Совет ҳукумати Варшава шартномасидаги ўз иттифоқчилари билан келишиб олиб, бир қанча таклифлар киритди. Бу таклифларнинг амалга оширилиши Европадаги хатарли кескинликни ҳозирнинг ўзидаёқ анча камайтирган бўлур эди. Шу таклифларнинг бири НАТО давлатлари билан Варшава Шартномаси давлатлари ўртасида ҳужум қилишмаслик пактини тузиш тўғрисидаги таклифдир.

Ҳужум қилишмаслик пактининг ўзигина урушнинг олдини олади деган фикрдан биз узоқмиз, лекин мамлакатларнинг ўз зиммаларига олган халқаро мажбуриятлари тийиб турувчи кучга эга эканлигига ишонамиз ва шундай пакт тузиш муайян ижобий роль ўйнар эди, деб ҳисоблаймиз.

Мен бу ўринда бошқа давлатлар номидан, хусусан Италия, ёки Польша номидан гапирмоқчи эмасман, албатта. Бироқ, у ёки бу давлатнинг пактларда иштирок қилиши ёки қилмаслиги масаласини қараб чиқаётган вақтда НАТОнинг агрессив моҳияти билан Варшава пактининг мудофаа моҳияти ўртасидаги катта фарқни кўрмаслик мумкин эмас.

Кенг жамоатчилик тўғрисида гапирмасак ҳам, аммо НАТО мамлакатларидаги нуфузли буржуа арбобларининг бир қанчаси Европанинг бир-бирига душман гуруҳларга бўлиниб қолганлиги тинчлик иши учун ҳалокатли оқибатлар келтиради деб, Шимолий Атлантик блоки ташкилотига аъзо бўлган баъзи ҳукуматлар сиёсатида хатарли тенденциялар бор деб, ҳозир тобора қаттиқроқ гапира бошладилар. Бу кайфиятлар жуда диққатга сазовордир. Агар Ғарб давлатлари блокбозликка хотима беришга астойдил интилиб, умумевропа миқёсида амалий ҳамкорликни йўлга қўйишга интиладиган бўлсалар, Совет Иттифоқи ҳам ўзини куттириб қўймайди. Бу ишда Ғарбий Европанинг йирик давлатларидан бири бўлган Италия анча катта роль ўйнаши мумкин, бошқа мамлакатлар каби Италия ҳам Европада тинчлик негизларининг мустаҳкамланишидан манфаатдор бўлиши лозим. Италия агрессив кучлар томонида бўлмаганида итальян халқи Италиянинг миллий манфаатлари ҳамиша бундан кўп манфаат кўрганлигини унутмаслик керак-ку.

**Савол.** Иоанн XXIII нинг ва Вселенский соборнинг тинчлик ишига қўшган ҳиссаси тўғрисида Сиз қандай фикрдасиз?

**Жавоб.** Сиз мароқли савол бердингиз. Тинчликни сақлаш проблемаси одамларнинг миллати, сиёсий маслаклари, диний эътиқодларидан қатъий назар уларнинг ҳаммасига тааллуқлидир. Тинчликни сақлаб қолишга ва мустаҳкамлашга қаратилган ҳар қандай фаолият, барча низоли халқаро проблемаларни музокаралар олиб бориш йўли билан тинчлик манфаатларини кўзлаб, ҳал қилишга қаратилган самимий даъватлар ким томонидан қилинмасин, бундай фаолият ва даъватлар қўллаб-қувватланиши лозим. Бу жиҳатдан қараганда папа Иоанн XXIII нинг тутган позициясини ҳам эътибордан четда қолдира олмаймиз. Папа Иоанн XXIII ўзининг баъзи ўтмишдошларидан фарқ қилиб, ҳозирги замоннинг бир қанча актуал масалалари соҳасида ва, биринчи навбатда тинчлик ва қуролсизланиш масаласида реалистик позицияда турганлигини ҳозир кўп кишилар қайд қилмоқдалар. Папа Иоанн XXIII нинг тинчлик фойдасига қаратилган гапларини табриклаймиз.

Папа Иоанн XXIII ўзининг яқинда эълон қилган (энцикликасида (мактубида) қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро қуролини тақиқлаш, бу қурол синовларини тўхтатиш кераклигини, самарали халқаро контроль остида қуролсизланиш кераклигини, давлатлар тинч-тотув яшаши, давлат ва халқлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатлар бўлиши, уруш васвасасини тугатиш кераклигини айтди.

Бу гаплар урушнинг бутун таҳликасини реал тушунишга асосланганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Католик черкови бошлиғининг сўзлари, ҳар ҳолда ташқи жиҳатдан бўлса-да, мутлақо бажарилиши лозим бўлган қонун деб ҳисобланадиган Ғарбда бу даъватлар ҳам худди ана шундай тарзда қабул қилиниши лозим эди. Аммо, қуролланиш пойгаси позициясида турган баъзи ғарб сиёсатчилари Папанинг тинчлик тўғрисидаги сўзларини маъқулламаётирлар.

Ғарбда баъзи кимсалар Папанинг тинчликни сақлашга ва қуролсизланишга қилган даъватларини ҳатто табриклашдан қайтмайдилар, албатта, лекин бу сўзларни табриклайдилар-у, ракета-ядро қуроли ўрнатилган сув ости кемаларининг Ватикан деворларига яқин бўлган Ўрта денгизда изғиб юришини олқишлай берадилар.

Биз, коммунистлар диний эътиқодларнинг ҳеч бирини тан олмаймиз. Шу билан бирга биз тинчликни сақлаш манфаатлари йўлида бутун куч ва ғайратни бирлаштириш зарур деб, шунга асосланиб иш қиламиз.

Мен шу нарсага ғоят аминманки, инсоният тақдири учун шу қадар масъулиятли бўлган вақтда битта ялпи ва қимматбаҳо неъмат борки, у ҳам бўлса — тинчликдир, ҳар қандай фалсафий ва диний маслаклардаги холис ният кишилар тинчликни ҳимоя қилишлари мумкин ва лозим.

Мен руҳоний эмасман, лекин Инжилга кўра Исо пайғамбар урушни эмас, балки тинчликни тарғиб қилган, деган гап менинг эсимда қолган. Бу нарса, ҳар ҳолда ўзини диндор деб ҳисоблаётган кишиларни одамларни қириш учун атом бомбалар, ракеталар, самолётлар, замбараклар ва бошқа қуроллар яратишга эмас, балки тинчликни ва халқлар хавфсизлигини таъминлашга мажбур қилади.

Холис ният кишилар ялпи ва мустаҳкам тинчлик учун, ёппасига қуролсизланиш учун курашда ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштириш мақсадига халақит берадиган ҳамма бидъатларни улоқтириб ташлай олишлари лозим.

**Савол.** Ғарбдаги коммунистик партиялар кўпдан бери тушкунлик ҳолатида турибди деган фикрга Сиз қўшиласизми? Тинч-тотув яшаш вазиятида ва ҳокимиятни энди зўрлик билан қўлга олишни мустасно қилувчи перспективани назарда тутганда, шу партияларнинг вазифалари нималардан иборат бўлиши лозим?

**Жавоб.** Коммунистларнинг рақиблари ўзлари истаган нарсани воқеликда мавжуд деб кўрсатишни истайдилар, воқелик шундан иборатки, Ғарб мамлакатларидаги яъни капиталистик мамлакатлардаги коммунистик ҳаракат тўхтовсиз ўсиб, мустаҳкамланиб ва ривожланиб бормоқда. Халқаро коммунистик ҳаракат замонамизнинг энг нуфузли сиёсий кучи, ижтимоий тараққиётнинг муҳим фактори бўлиб қолди. Иккинчи жаҳон урушига қадар 43 мамлакатда коммунистик партиялар бор эди ва уларнинг сафида ҳаммаси бўлиб 4200 минг коммунист бирлашган эди. Эндиликда компартияларнинг сони 90 тага яқинлашиб қолди, коммунистларнинг умумий сони эса 42 миллион кишидан ошиб кетди. Маълумки, капиталистик дунё анча торайди. Шунга қарамай, капитал мамлакатларида компартияларнинг сони ҳам, коммунистларнинг сони ҳам бир неча баравар кўпайди. Яъни партия аъзоларининг сони 785 минг кишидан 5 миллиондан кўпроқ кишига кўпайди. Эндиликда минглаб эмас, балки кўп миллионлаб меҳнаткашлар шу партиялар кўрсатган йўлдан бормоқда.

Урушдан олдин бир неча ўн минг аъзоси бўлган Италия Коммунистик партияси йигирма йил чуқур подпольеда иш олиб борди. Эндиликда у мамлакатдаги энг катта, энг оммавий партиядир. Унинг ишчилар синфи ичидаги, деҳқонлар орасидаги ва итальян халқининг бошқа табақалари орасидаги позициялари мустаҳкамлиги жуда яхши маълум. Ҳар бир сайловда сайловчиларнинг компартия вакилларини ёқлаб бераётган овозларининг сони тўхтовсиз кўпаймоқда. Ажаб «тушкунлик» бўлибди-да!

Урушдан олдин Франция Коммунистик партияси учун тахминан бир ярим миллион сайловчи овоз берар эди, эндиликда эса 4,5 миллиондан кўпроқ граждан овоз бермоқда. Буюк Британия Коммунистик партиясида 1958 йилда 25 мингга яқин коммунист бор эди, ҳозир эса 35 мингга яқин коммунист бор. Бошқа мамлакатларда ҳам коммунистик партияларнинг сафлари ўсмоқда. Испания, Греция ва Португалия Коммунистик партиялари халқ оммаси кенг равишда қувватлаётган энг жанговар, ватанпарвар кучдир. Германия Федератив республикасидаги ҳозирги режим Гитлердан ўрнак олиб, Германия Компартиясини «тушкунликка» учраганлиги учун тақиқлаб қўйдими, ахир?

Ҳукмрон синфлар, реакция кучлари коммунистик партияларни янчалаб қўйишга, халқ оммасини бу партиялардан четлаштиришга зўр бериб уринмоқдалар. Шунинг учун ҳам капиталистик мамлакатларда коммунистларга қарши туҳмат ва бўҳтонлар кампанияси тўхтовсиз авж олдирилмоқда, коммунистлар қувғин қилинмоқда, уларга қарши полиция репрессиялари ўтказилмоқда. Бироқ, Коммунистик партиялар барча синовларга шараф билан бардош бермоқдалар, халқ оммаси ичида ўз позицияларини мустаҳкамламоқдалар. Фақат коммунистларгина меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилувчи забардаст кишилар эканлигига, тинчлик, демократия ва социализм иши учун фақат коммунистларгина фидокорона курашаётганлигига астойдил ишонч ҳосил қилаётган меҳнат аҳллари, социал тараққиёт тарафдорлари сони тобора кўпаймоқда.

Саволнинг бу қисми ҳақида айтиладиган гап мана шу.

Ғарб мамлакатларидаги коммунистик партияларнинг роли ва функцияларига келганда улар бу масалани марксизм-ленинизм принципларига ва ўз мамлакатларидаги миллий шароитни, традицияларни ва ишчилар ҳаракатининг тажрибасини қандай тушунишларига амал қилиб, мустақил равишда ҳал қиладилар.

Маълумки, Сиз айтаётган тинч-тотув яшаш вазиятини вужудга келтирмоқ учун кескин ва изчил кураш олиб боришни коммунистик партиялар ўзларининг асосий вазифаларидан бири қилиб ўз олдиларига қўймоқдалар. Бундай вазият, афсуски, ҳали тўла равишда вужудга келтирилгани йўқ. Ҳамма халқларнинг муштарак куч ва ғайрати билан ҳақиқатан ҳам кескинликни юмшатиш ва тинчлик вазияти вужудга келтириш мумкин. Агар ҳар бир сиёсий партия омманинг истак ва орзуларини акс эттиришни, ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилишни ҳақиқатан истаса, бу курашда ўзига ўрин топади.

Тарихнинг ривожланиши ишчилар синфининг барча меҳнаткашлар билан иттифоқ бўлиб, ҳокимиятни қўлга олиши масаласини аллақачон кун тартибига қўйган. Биз, марксистлар бу процессни капитализмдан социализмга ўтиш процесси деб атаймиз. Бу ўтиш қай тарзда рўёбга чиқарилиши — тинчлик йўли билан ёки нотинч йўл билан рўёбга чиқарилиши — у ёки бу мамлакатдаги конкрет шароитга боғлиқдир. Коммунистлар ҳеч қачон зўрлик тарафдори бўлган эмаслар, улар ишчилар синфининг социалистик революцияни тинч йўл билан амалга оширишига интиладилар. Бироқ, тарихий тажриба шуни тасдиқлаб турибдики, ҳукмрон синфлар ҳокимиятни ўз ихтиёрлари билан бермайдилар, бу нарса барча мамлакатлар коммунистларининг 1960 йилда бир овоздан қабул қилган Баёнотида ҳам кўрсатиб ўтилган. Бинобарин синфий курашнинг шиддати ва формалари қай даражада бўлиши пролетариатга боғлиқ бўлишдан кўра, реакцион синфларнинг халқнинг катта кўпчилиги иродасига қаршилик кўрсатиш кучига, социализм учун курашнинг у ёки бу босқичида шу доираларнинг зўрликни қўлланишига боғлиқ бўлади.

**Савол.** Россияда санъатга доир яқинда бўлиб ўтган мунозаралар ва Сталин тўғрисида айтилган баъзи бир янги расмий мулоҳазалар муносабати билан Ғарб дунёсида десталинизация деб аталган ишлар соҳасида ҳақиқий ва чинакам орқага қайтиш бор, деган гаплар бўлди. Шу қадар ҳаяжонли равишда осонгина шарҳланиши мумкин бўлган мана шу яқинда рўй бериб ўтган фактларга Сиз қандай қарайсиз ва бу фактларни қандай изоҳлайсиз?

**Жавоб.** Сиз масалани шу тахлитда қўяётганлигингизнинг ўзидан ҳам Сиз Ғарбда буржуа пропагандаси бизнинг турмушимизни атайин бузиб кўрсатаётганлиги таассуроти остида турганлигингиз кўриниб турибди. Дангал гаплашиб қўя қолайлик: буржуа идеологиясига қарши курашда партиямизнинг ўтказаётган принципиал ва муросасиз позицияси Сизни ҳаяжонга солиб қўйибди. Турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши идеология соҳасида тинч-тотув яшаш деган маънони билдирмайди. Буни Ғарбдагилар тушунишни истамаётирлар — ёки ўзларини тушунишни истамаётган қилиб кўрсатмоқдалар. Инсоният жамияти ҳаётидан урушлар абадий чиқариб ташлансин деб, давлатларнинг социал иқтисодий тузумидан қатъи назар улар савдо-сотиқни ривожлантирсинлар, халқлар бир-бирларини яхшироқ таниб олишлари учун давлатлар фан ва маданият самараларини бир-бирлари билан баҳам кўрсинлар деб, ҳамиша айтиб келдик ва ҳали ҳам айтмоқдамиз.

Лекин шу билан бирга биз, коммунистлар идеологияларнинг тинч-тотув яшаши керак деган фикрга ҳеч қачон қўшилган эмасмиз ва ҳеч қачон қўшилмаймиз. Бу масалада ён босиш бўлиши мумкин эмас. Ғоявий кураш баррикадаларида жангни тўхтатсак, бу нарса буржуазиянинг ўзининг маънавий қашшоқлигини, тушкунлигини ва бузғунлигини бизнинг янги дунёмизга олиб киришига имконият берган бўлур эди, шунинг учун ҳам буржуазия бу ғоявий курашни тўхтатишимизни орзу қилади. Санъат ва адабиёт идеология соҳасига киради. Шу сабабли буржуазия тушкунлик ва маънавий маразнинг формализм, абстракционизм, декадентлик ва бошқа оқимлар сингари қуролдан ўзининг курашида фойдаланмоқда. Мана энди биз, партиямиз санъат ва адабиётдаги мана шу бузилишларга қарши курашади ва кураша беради, деб айтаётганимизда Ғарбдагилар қандайдир «орқага қайтиш» бор, «ижод эркинлиги» сиқиб қўйилмоқда, деб ва шу каби шов-шувларни қўзғаб, шовқин кўтармоқдалар. Агар капитализмнинг ғоявий селекционерлари уруғни тайёрлаб берган бегона идеология ўтларини бизнинг жамиятимизда ўстирилишига индамай қараб турганимизда эди Ғарбдаги буржуа доиралари жуда хурсанд бўлур эдилар. Йўқ, биз даламизнинг топ-тоза бўлишини истаймиз ва даламиз топтоза бўлади. Бир-бири билан келишмайдиган икки идеологиянинг —социалистик идеология билан буржуа идеологиясининг ҳозир жаҳонда бўлаётган ўткир курашида (бу курашни Сиз ҳам инкор қилмайсиз) биз ҳужум қилиб келдик ва ҳужум қила берамиз, коммунистик идеяларни барқарор қилаберамиз.

Партиямиз совет адабиёти ва санъатидаги ёш кучларга ишонади, кекса бўғинга мансуб ёзувчиларга ва рассомларга ишонади. Турмуш ҳақиқатини акс эттираётган ва марксизм-ленинизмнинг революцион идеялари билан суғорилган социалистик маданиятимиз яратган нарсаларни Ғарбда ҳам миллионлаб кишиларнинг қайта-қайта чапак чалиб, кутиб олишларига шак-шубҳа қилмайман. Ёзувчиларимиз ва рассомларимизнинг уруш йилларидан кейин ижод йўлига кирган ёш авлодининг бир қанча намояндалари янглишиб қолганликлари маълум бўлганидан кейин биз уларни бир жойга тўплаб, дилкашлик билан гаплашдик. Адабиёт ва санъатнинг мана шу арбобларига ёрдамлашмоқ ва уларнинг ўз талантларини тўла равишда халққа хизмат қилдиришларига имконият бермоқ учун шундай қилинди. Партия санъатнинг хилма-хил бўлиши, темаларга, услубларга, жанрларга, ҳар бир санъаткорнинг ўзига хос ижодий йўлларига бой бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилиб, совет санъаткорларининг чинакам ижодий изланишларини қувватламоқда. Биз — абстракционизмга қаршимиз ва натурализмга қаршимиз, нурсиз, примитив, чучмал асарларга қаршимиз.

Ғарбдаги буржуа доиралари ҳозир ҳаяжонга тушиб, шовқин-сурон қилаётган эканлар, улар аслида бўлмаган «руслар тўртинчи бўғинининг кризиси» тўғрисида гапира бошлаган эканлар, бу нарса Ғарбдаги шу доиралар ё совет воқелигини тушунмаётганликларини, ёки сув лойқатиб балиқ овлаймиз деган ўзларининг умидлари пуч бўлиб чиққанлигига қаноат ҳосил қилганликларини кўрсатувчи яна бир далилдир. Бинобарин мен Сизнинг ўрнингизда бўлганимда эди, «ҳаяжонли шарҳлар» қилиш билан шуғулланмасдан, балки адабиётимиз ва санъатимиз билан кенгроқ танишишга ҳаракат қилган бўлур эдим.

**Савол.** СССРда санъат тўғрисида яқинда бўлиб ўтган мунозара муносабати билан Ғарбдаги ва учинчи дунёдаги сўл интеллигенция руҳининг ҳолати тўғрисида Сиз қандай фикрдасиз?

**Жавоб.** Сиз учинчи дунё деб ном бераётган нарса унчалик равшан эмас, лекин шуни айта оламанки, Ғарбда ҳам, қайси қитъаларда жойлашганлигидан қатъи назар бошқа ҳамма мамлакатларда ҳам халқ билан боғланган илғор интеллигенциянинг руҳини юксак даражада қадрлаймиз. Бу интеллигенция аввало реакцияга қарши, озодлик, демократия ва тинчлик йўлида виждонан ва мардонавор курашаётганлиги учун халқимизнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлди. Фашизмга қарши кураш йилларида ишчилар ва деҳқонлар билан биргаликда Қаршилик ҳаракати сафларида туриб жанг қилган интеллигенция намояндаларининг қаҳрамонона шижоатларини ҳеч қачон унутмаймиз. Чет мамлакатлардаги илғор интеллигенция бераётган мададни биз ҳамиша ҳис қилиб келдик ва ҳозир ҳам ҳис қилмоқдамиз. Чет элларга қилган сафарларим вақтида мен фан ва маданиятнинг илғор арбоблари билан неча марталаб гаплашганман, ҳамда уларнинг мамлакатимиздаги коммунизм қурилишига, Совет Иттифоқининг халқаро кескинликни юмшатиш учун, тинчлик учун олиб бораётган курашига нақадар ҳурмат қилиб ва тушуниб қараётганлигига шахсан ишонч ҳосил қилганман. Дўстларимиз — чет эллардаги интеллигентлар «руҳининг ҳолати» тўғрисида гапириладиган бўлса, бу ҳолат бизни фақат хурсанд қилиши мумкин. Бу — уруш оловини ёқувчиларга муросасиз бўлган, жанговар, яхши руҳдир!

Ғарб мамлакатларида интеллигенция социалистик мамлакатлардаги аҳволдан бутунлай бошқача вазиятда яшашга ва ҳаракат қилишга мажбур эканлигини жуда яхши биламиз, албатта. Шароит бошқача, маданият традициялари бошқача, илм олиш имкониятлари бошқача, турмушнинг моддий жиҳати бошқачадир, агар биз буларни ҳисобга олмаганимизда эди марксист-ленинчи бўлолмас эдик. Табиийдирки, турмушимизнинг хусусиятлари, шу жумладан совет адабиёти ва санъатининг ишлари тўғрисида яқинда бўлиб ўтган партиявий суҳбатлар Ғарбдаги ҳамма интеллигентлар томонидан дарҳол тўғри тушунилиши маҳол эди. Зотан бу нарса тўғри тушунилади деб кутишнинг ўзи ҳам гўллик бўлур эди. Чунки Ғарбда пропаганданинг қудратли аппарати буржуазия қўлидадир. Буржуазия эса ўз манфаатларини кўзлайди ва мамлакатимиздаги ғоявий турмушни Ғарб мамлакатларидаги интеллигенциянинг тўғри тушуниб олишига ёрдамлашиш нияти буржуазияда асло йўқ. Ғарбдаги ҳукмрон синфлар ўз интеллигенциясини йўлдан оздиришга уринмоқда деб айтсам, бу билан мен Сизга сирни очиб қўймаган бўламан. Ҳатто ҳукмрон синфлар ўз интеллигенциясини социализм ва коммунизм идеяларига қарши қўзғотишга уринмоқда. Русларнинг «Қуённи ураверив уни гугурт ёқишга ҳам ўргатиш мумкин» деган мақоли бор. Буржуазия ҳам ўз интеллигенциясини хўжайинлар учун гугурт ёқишга ўргатмоқ учун унга кўп йиллардан бери уриб таълим бермоқда. Буржуазиянинг жуда катта тазйиқига қарамай, Ғарб интеллигенцияси орасида бу тазйиққа берилмаётган, аксинча, тараққиёт идеаллари учун мардларча курашаётган кишиларнинг сони тобора кўпаймоқдаки, бунга фақат хурсанд бўлиш керак.

Бу гаплардан, бундай кишилар орасида ҳам иккиланишлар, адашишлар, партиямизнинг адабиёт ва санъат соҳасидаги сиёсатини нотўғри тушуниш бўлиши мумкин эмас деган маъно келиб чиқмайди. Бунинг таажжубланадиган жойи йўқ. Сиз ўз саволларингиздан бирида масалан, таниқли инглиз ёзувчиси Герберт Уэллсни эслаб ўтдингиз. У ўз замонининг илғор кишиси эди. Шундай бўлса ҳам, ўзингизга маълумки, у Октябрь революциясини тушунмади, Ленинни «Кремлнинг хаёлпарасти» деб айтди, Россиянинг келажагини эса зулматда деб билди. Мен Уэллс тўғрисида ҳеч бир ёмон гап айтмоқчи эмасман. Лекин унинг каромати асоссиз бўлиб чиққанлигига энди бутун дунё қаноат ҳосил қилди-ку, ахир. Ленин байроғи эндиликда инсониятнинг учдан бир қисмидан кўпроғи яшаб турган мамлакатлар устида ҳилпираб турибди. Россия жаҳонда энг катта электростанциялар билангина нур сочиб турмасдан, шу билан бирга ўз фани, техникаси, маданиятининг муваффақиятлари билан ҳам нур сочиб турибди. Ваҳолонки, Герберт Уэллс Москвага келиб кетган вақтдан бери орада атиги қирқ йил вақт ўтди.

Адабиёт ва санъат масаласига доир яқинда бизда бўлиб ўтган мунозаранинг Ғарб мамлакатлари интеллигенциясига таъсири тўғрисида гапирган вақтингизда Сиз нималарни назарда тутганлигингизни тушуниб турибман, албатта. Ғарбдаги буржуа матбуоти «партиянинг қаттиқ йўли» ва шу каби нарсалар тўғрисидаги ўзининг қағиллашлари билан ҳамманинг қулоғини батанг қилиб юборди. Лекин ўртоқлар ўртасида дўстона гаплашув бўлганлигини Ғарб газеталаридан биронтаси ҳам ўз газетхонларига айтиб бергани йўқ. Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакатимизда коммунизм қуриш тўғрисида чизиб берган тарихий план соҳасида санъаткорлар ва ёзувчиларнинг вазифалари тўғрисида батафсил гаплашиб олдик. Халқимиз коммунизм қуришда янги марраларга кўтарилаётган вақтда адабиёт ва санъат арбоблари орасида ҳам оёғи чалишиб орқада қоладиган кишилар бўлмаслигини истайди-ку, ахир. Шу сабабли партия санъатда ҳаққонийлик ва социалистик реализмни ҳимоя қилаётган, декадентчилик, формализм, абстракционизм элементларига қарши, улуғ халқ санъати учун курашаётган санъаткорлар ва ёзувчиларни қувватлаётганлигини тўппа-тўғри ва ошкора айтишни ўзининг бурчи ҳисоблади. Халқ билан, мамлакатимизда бўлаётган жуда катта тарихий процесслар билан мустаҳкам алоқада бўлиш, барча совет кишиларини тўлқинлантириб турган проблемалардан тушкунлик қаърига қочмасдан, балки, шу проблемалар билан боғланиб иш олиб бориш янги турмуш қуришдаги ижодкорликнинг тўғри ва кенг йўлидир.

Буржуа идеологларининг кўплари бизга, Сиз, коммунистлар санъатда «янгиликка қарши» чиқаётирсиз деб эътироз билдирганлари каби Сиз ҳам менга эътироз билдиришингиз мумкин, лекин бундай деб айтиш ҳақиқатни атайин бузиш бўлади-ку. Ваҳолонки коммунистлар адабиёт ва санъатни ривожлантиришда янгиликни қувватламоқдалар, чунки коммунистлар социалистик реализм тарафдоридирлар. Социалистик реализм эса халққа яқин санъатнинг бойлиги ва кўп қиррали бўлиши демакдир. Бошқа жойлардагига қараганда, Италияда бизнинг фильмларимизни, совет артистларининг гастролларини кўрган ва ёзувчиларимизнинг таржима қилинган асарларини ўқиган кишилар бизнинг адабиётимиз ва санъатимиз — музикамиз, театримиз, поэзиямиз ва прозамиз нақадар ранг-баранг эканлигини яхшироқ биладилар. Чинакам новаторлик мана шунинг ўзидир. Чет элларда шундай кишилар борки, улар воқеликдан қочишни, бемаъни ва самарасиз ажи-бужилар паноҳига ўтиб, воқеликдан яширинишга уринишни «новаторлик» деб ҳисоблайдилар. Эҳтимол мана шундай ажи-бужилар айрим кишиларни ширин хаёллар бағрига тортишга ва шу тариқа уларнинг адолатсиз эски жамиятга қарши курашдаги иродасини заифлантиришда буржуазия идеологиясига ёрдам ҳам бераётгандир. Лекин, нега бундай нарсалардан ўрнак олиш керак? деган савол туғилади. Ахир биз янги жамият яратаётирмиз-ку, биз—ер юзида яшаётган кишилармиз, биз воқеликдан қочишни истамаймиз, балки меҳнаткаш кишининг бугунга қараганда эртага яхшироқ, индинга эса ундан ҳам яхшироқ яшашига имкон берадиган воқелик яратишга интилмоқдамиз.

Идеялар жангида сулҳ бўлиши мумкин эмаслигини гапириб ўтдим. Бизнинг идеяларимиз — марксизм-ленинизм идеялари — янгидан-янги миллионлаб кишиларнинг онгига сингиб бормоқда. Бу идеялар илғор инсониятнинг ақл-заковатини ўзига мафтун қилиб қўйди. Ғарбда ҳам буни илғор интеллигенция тушуниб турибди, мен бунга аминман, башарти шу интеллигенциянинг намояндаларидан баъзи бир кимсалар бугун янглишаётган бўлса, эртага албатта тушуниб олади.

**Савол.** Белградга қилмоқчи бўлган сафарингизнинг перспективалари ва темалари қандай? Италияга қиладиган сафарингизнинг темалари ва асосий масалалари қандай бўлади? Сиз Ватиканга визит қиладиган бўлсангиз, бу визит нуқул расмий характерда бўладими, ёки Иоанн XXIII нинг тинчлик фойдасига қилаётган фаолияти билан боғланган визит бўлиши мумкинми?

**Жавоб.** Президент Титонинг бизга дўст Югославия Социалистик Федератив Республикасига меҳмон бўлиб бориш тўғрисидаги таклифини мен зўр мамнуният билан қабул қилдим.

Югославиянинг давлат арбоблари билан ҳар сафарги учрашувимиз бир-биримизни қизиқтираётган масалаларни муҳокама қилишга имконият бериб келди ҳамда мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаб келди. Югославияга қиладиган сафаримга ҳам шу нуқтаи назардан қарамоқ керак.

Италиянинг раҳбар арбоблари билан алоқалар масаласига келганда шуни айтмоқчиманки, бундай алоқалар, ҳеч шубҳасиз, фойдалидир.

1960 йилда биз Италиянинг ўша вақтдаги президенти Жованни Гронки билан, 1961 йилнинг ёзида — Италия Министрлар Советининг раиси Аминторе Фанфани билан, ўша вақтда ташқи ишлар министри бўлган, ҳозир эса Италиянинг президенти бўлиб турган Антонио Сеньи билан учрашган эдик. Шу учрашувлар вақтида кенг доирадаги халқаро проблемалар ҳамда Совет-Италия муносабатлари масалалари муҳокама қилинган эди, бу эса давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва яхшилаш учун ижобий аҳамиятга эга бўлди.

Бизнинг фикримизча, бу учрашувлар ва алоқалар ўзининг ижобий натижаларини берди. Шу учрашувлар давомида жуда хилма-хил масалалар муҳокама қилинганлиги ҳар иккала мамлакатнинг умумий халқаро проблемаларга доир, шунингдек Совет-Италия муносабатларининг конкрет масалаларига доир позицияларини яхшироқ тушуниб олишга ёрдам берди.

Бундай алоқаларни давом эттириш керак деб ўйлайман.

Саволингизнинг Ватиканга тааллуқли қисмига келганда мен бундан олдинги жавобда ўз фикримни айтиб ўтдим.

